

ТОНГ ЮЛДУЗИ

نادىق بولۇدۇزى

ЎЗБЕКИСТОН
БОЛАЛАРИ ВА ЎСМИРЛАРИНИНГ
ГАЗЕТАСИ

1992 ийл 18 сентябрь, жума
Баҳоси 30 тийин.

№ 38
(6510)

Собиқ шүролар мамлакатида түб ўзгаришилар юз беря бошлагач, тарихимиз чукур "тахил" қылыша бошланды. Ёмон ишлар қаторида яхши, фойдалы ишлар устига ҳам қора чизиклар тортилди. Бугун комсомол, пионер деган сўзни эшиштегилар, бу ташкилотлар ҳақида сўз юритганларни кўрганлар истеҳзо билан кулиб қўйишади. Аммо улар тўла ҳақимканлар? Комсомол ҳам, пионер ташкилоти ҳам ўз даврида ёш авлоди тарбиялашда кўнгина фойдали ишларни амалга оширган. Айниқса, ташкилотлар номи ўзгариб, унинг мақсади, дастурига янгиликлар киритилгандан кейин янада фойдали, ёшларни жалб этувчи ишлар амала оширила бошланди. Бугунгич кунда ёшлар Иттифоқи номи билан фаолият кўрсатадиган ёшлар ташкилоти ҳам республикада, ҳам ҳалқаро майдонда кўзга кўринарли ишлар бажаряпти. Ана шундай таобирлардан бирин шу юлиниг ноябрь ойида республикамизда бўлиб ўтадиган "Ёш ватандошлар Халқаро анжумани" дир. Ушбу анжуманинча ўтказилиши, ундан кўзланган мақсад ҳақида биз ёшлар Иттифоқи матбуот маркази раҳбари Лазиз ТАНГРИЕВДАН илтимос килдик.

— Лазиз ака, иктисолий қийинчилек даврида жуда кўп маблаг талаб қиласидан бундай анжуманинг ўтказилишидан мақсад нима?

— Сиз бу анжуманинг фойдаси нечоглик катта эканлигини кўз олдингизга келтиринг.

Бу анжуманга бугунги кунда жуда кўп ташкилотлар катта тайёргарлик кўришмоқда. Анжуман Ташкилий Кўмитаси ташкил этилиб, унга республика Баш вазир ўринбосари М. Корабоев раислик қилмоқда. Ёшлар Иттифоқининг биринчи котиби А. Орзиматов эса Кўмита раиси ўринбосаридир. Ташкилий Кўмитанинг тайёргарлик ишларига республикамиздаги кўп ташкилотлар — Савдо Вазирлиги, Ҳаво йўллари транспорти вазирлиги, Ҳалқаро Маданий, миллий, маърифий уюшмаси, "Эл" ҳалқаро уюшмаси, Маданият вазирлиги жалб этилган. Энди ушбу анжуманин ўтказишдан мақсадга келсан: давр шароити, ҳаёт тақозоси билан бундан 70 йилларча аввал республикамиздан жуда кўп кишилар оила, қариндош-уруглари билан бошқа хорижий мамлакатларга кўчуб кетишига мажбур бўлишган. Ўша даврда



Шу йилнинг 2—6 ноябрь кунлари Республика мизда «Ёш ватандошлар Халқаро анжумани» бўлиб ўтади

ЁШ ВАТАНДОШЛАР АНЖУМАНИ

"кулок" қилинганлар орасида ўқимишли, маърифатпарвар кишилар ҳам кетишиган. Йиллар давомида улар ўз киндиқ конлари тўкилган Ватанин кўмасшлари, бу ерда қолган қариндош-уруглари билан кўришгилари келса ҳам бунга имкон бўлмаган. Бугун — шароит ўзгача. Улар дийдор кўришиш, Ватан тупроғи исини туйиш имконига эгадирлар. «Ёш ватандошлар Халқаро анжумани» ташкилотчиларининг ушбу тадбирни уюштиришдан асосий мақсадлари ҳам шу — ана шу қариндош-уругларни бир-бирлари билан дийдорлаштириш, чет эллик ватандошлар орқали бизнинг ўлкамиз хаёти ва тараққиетини кўрсатиш ва уни янада ривожлантириш.

Узоқ йиллар аввал ўзга юртга чиқиб кетган ўзбекларнинг бу-гун невара-чеваралари

улгайишди. Улар соғ ўзбек тилида сўзласаларда, ўз Ватанлари, ота-боболарининг киндиқ қони тўкилган юртлари ҳақида тасаввурга эга эмаслар. Бу анжуман иштирокчилари ана шу "камчилик"ни ҳам тузатишиди. Бундан ташқари анжуманга асосан хорижий мамлакатлардаги ёш иктисолчи, бизнесмен, савдо-сотиқ билан шугулланувчи тижоратчилар таклиф этилган. Ҳозирча Ташкилий Кўмитанинг бир

тайёрланмоқда, китоблар нашр этилаяпти.

Анжуман иштирокчилари тўрт кун давомида кўпгина қизиқарли тадбирлар билан банд бўлишади. Кўхна Хива, Самарқанд, Бухорода, Қибрайдаги машхур лимонарийда бўлишади, "Улугбек" жамгармасида, Ҳалқаро маданий, маърифий, миллий уюшмасида бўладилар.

Шу ўринда барча анжуманинг иктисолий



БЕПУЛ МАКТАБ ФОРМАСИ

"Кўп йиллардан буён кам даромадли оила фарзандларига мактаб томонидан бепул кийим-кечаклар берилар эди. Биз ҳам олти фарзандмиз. Онам нафақа-хўр. Мен ҳам мактаб томонидан бериладиган бепул кийим-кечак олиш хуқуқига эганманми, йўқми!"

Гулчеҳра Қўшмурадова, Жиззах вилояти, Арнасой туманидаги 2-мактаб ўқувчиси".

Ушбу саволга жавоб беришини Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими Вазирлигининг бўлим бошлиғи Л. А. АБДУЛЛАЕВДан сўрадик.

— Ростдан ҳам узоқ йиллардан буён Ҳалқ таълими кам даромадли, кўп болали оила фарзандларини текин уст-бош, мактаб формаси билан таъминлади. Савол билан мурожаат қилган Гулчеҳра бу масала юзасидан мактаб дирекциясига, қолаверса, туман Ҳалқ таълими Башқармасига мурожат қилиши керак. Сабаби, бепул мактаб формаси билан кимни таъминлашни мактаб дирекцияси ҳал этади. Улар бундай оиласларнинг турмуш даражаси, оиласлар шароитларни ҳисобга олиб, қарор чиқарадилар.

гурху улар билан тузилажак шартнома лойиҳаларини ишлаб чиқишида. Тўгри келса, уларга қўл қўйилиб, янги ишларга қадам кўйилади. Бу эса республикамиз иктисолининг юксалишига кўмаклашади. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқенини оширишга имкон яратади.

— Анжуманга тайёргарлик қандай?

— Анжуманга АҚШ, Германия, Туркия, Саудия Арабистони, Афғонистон, Покистон каби хорижий мамлакатлардан, бундан ташқари МДХ Республикаларидан жъами 250 киши тақлиф этилган. Бу мамлакатларга бу-гунгача Ташкилий Кўмитанинг муҳтор вакиллари жўнатилган. Анжуман рамзи ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Бу рамз тамгаси босилган совга-саломлар, ўйинчоқлар, кийимлар

томонини кўтараётган ҳомийларни ҳам айтиб ўтмоқчиман. Улар "Эл" ҳалқаро уюшмаси, Маданият ва умуминсоний қадриятлар Ҳалқ Академияси, "Фаргоназот", Самарқанд жамоа ва давлат хўжаликлари, Тошкент вилояти ёшлар Иттифоқи Кўмитаси ва яна кўпгина вилоят, туман ёшлар Иттифоқи Кўмиталаридир. Анжуман ўтказиладиган кунларни ойнаи жаҳон, радио орқали бемалол кузатиб боришингиз мумкин. Улар бу анжуман учун кўп соатли ўшиттиришлар тайёрлаш арафасида. Ўйлаймизки, ушбу анжуман унда иштирок этган барчанинг дилида узоқчача қолади.

— Сұхбатингиз учун раҳмат.
Д. ТУРАХМЕТОВА ёзиб олди



«КУЙЛАНГ, РАҚСА ТУШИНГ,
ТУРКИСТОН БОЛАЛАРИ!»

Бу ҳақда газетамизнинг 3-бетида танишасиз.

"ТОНГ ЮЛДУЗИ" — бу сизнинг газетангиз:
У сизга ўқиши ва ишларингизда зарур бўлган барча ахборот ва янгиликларни етказиб беради.
Мақола, шеър ва ҳикояларингизни чоп этади.
Доимо дўст, маслаҳатчи ва ҳимоячи бўлади.
Унга обуна бўлсангиз ютказмайсиз.

"ТОНГ ЮЛДУЗИ" ГА ОБУНА БОЛШИ УНУТМАНГ!

ОБУНА БАҲОСИ:

Бир йилга — 96 сўм
Олти ойга — 48 сўм
Уч ойга — 24 сўм
Бир ойга — 8 сўм

Нашр кўрсаткичимиз: 64563



Халқ таълими Вазири иқтидорли ўқувчилар билан дилдан сұхбатлашди

Тарихшунос, дүнешунос олимларнинг фикрича, ҳар қандай жамиятнинг тараққиети ёш авлоднинг билим олиши, ўқиб-урганишига жиёддий боғлиқ экан. Аммо собиқ советлар мамлакати таркибиде бўлганимизда республикамизда 70 йиллар давомида таълим соҳасида, ўқитиш ишларидаги янгилик ва ўзгаришлар кам бўлди. Эски бир қолинда фарзандларимизга

билим бериш билангина чегараланганимиз натижаси — бугун ўз касбининг ҳақиқий эгалари кам. Яхши кунлар келиб, кейинги бир неча йиллар давомида катта ва фойдали янгиликлар амалга оша бошлади. Дарс жараёнлари, ўқитиш дастурларининг тубдан ўзгариши, янги типдаги

мактабларнинг очилиши, чет эл маорифчилари билан алоқаларнинг яхшиланиши шулар жумласидандир. Иқтидорли, ҳаракатчан болаларга алоҳида эътибор бериладиган эса фақат таҳсинга лойиқ. Улар учун бугун маҳсус мактаблар ташкил этилмоқда, янги дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

Куни-кече эса Республика ўқувчилар уйида Ўзбекистон Халқ таълими Вазири Жўра Ганиевич Йўлдошев ийгирмага яқин иқтидорли болалар билан дилдан сұхбат ўтказди. Учрашувда, шунингдек, Вазир маслаҳатчиси Ш. Шомансуров, Халқ таълими Вазирлиги бўлими бошлиғи С. Барноев, Республика ўқувчилар уйи директори О. Ж. Йброҳимова ҳам шитирок этишиди.

Учрашувни киска кириш сўзи билан Ж. Ф. Йўлдошев очди:

— Дўстларим, бугунги иғилишимиздан мақсад битта: биз бугунга қадар Халқ таълимига боғлиқ бўлган кўпигина масалаларни ҳал этдик. Анчагина ишлар бажарилди-ю, аммо уларнинг натижаси сиз, болаларга, маъкул бўлганини, ўқими еки уларнинг бошқача амалга ошишини истар эдингизми, бу хакда кам маълумотга эга эдик. Бугун сизлар орқали жумхурятимиздаги мактаблар, улардаги ўқитиш ишлари, ўқувчилар кўнглида қандай фикрлар уйгонаётганини билмокчимиз.


Аввали гўйлардан фарқли бу йил Билимлар куни кўш байрам бўлди, бу кун Республика мактабамизнинг Мустақиллик куни нишонланди.



Дулфуз
Шодиёрова



Хуршид
Хўжаев



Баҳодир
Аvezбоев



Жалолбек
Йўлдошев



Санобар
Мирсалимова

ўтказилса яхши бўларди.

Х. Хўжаев:

— Мустақиллик куни бу йил жумхурятимизда биринчи бор тантана қилинди. Унда Республика мактабларнинг байроғи, рамзига алоҳида эътибор берилди. Бу жуда яхши бўлди. Сабаби биз ҳозирдан ўз байроғимиз, ўз давлат рамзимизга

— Авваллари қоралаб келганимиз хорижий давлатларнинг жуда кўп ибратли ишларини энди ёқлаяпмиз. Уларнинг иқтисоди ҳам, маорифи ҳам, савдо-сотиқ ишлари ҳам тўғри йўлга қўйилган экан. Нима учун бизда унда эмас, деймиз, ҳавас киламиз холос. Яхшиси, ўша хорижий мамлакатлардаги каби

С. Мирсалимова:

— Япония мактабларда барча ижтимоий, аник фанлар билан бир катorda қизларга саломлашиш, одоб, аҳлоқ, юриш-туриш дарслари ўтилар экан. Бугун бизнинг мактабларимизда бундай билимлар факат "Одобнома" фани орқали берилмоқда. Мен таълим олаётган

керак.

Х. Хўжаев:

— Мактабларда ота-насининг мавзеи, мансабига қараб баҳо кўядиган ўқитувчилар ҳам борлигига эътироҳ билдирувчилар топилмаса керак. Биз шунча гўйлар давомида хамманинг тенг ҳукуқи бўлиши ҳақида оғизда тўлиб-тошиб гапирдик, аммо амалда... Бугунги иқтисодий танглик кунларида бу эътиборсизлигимиз эса яна ҳам юзага чиқиб қолди. Кимнинг ким эканлигига қараб баҳо кўйиш болаларнинг дилини ранжитиб, ўқишига бўлган ихлосини қайтаряпти. Навоий бобомиз эса ўз даврида, ўз асарларида муаллимларга қарати иккни насиҳатни берган эканлар: "Эй, ўқитувчичи, сенинг билиминг ҳам бойга, ҳам камбагалта керак. Кўз олдингда ҳам у, ҳам бу ўтиради. Сендан талаб қилинадигани: адолатли бўл, таъмагир бўлма. Шунда сен муаллим деган номга сазовор бўласан".

Шу савол-жавоблардан кейин Тошкент вилояти, Зангиота тумани ўқувчилари ўз қўллари билан тикишган, Халқ таълими ва Соглики Сақлай Вазирларлари руҳсат берган янги жисмоний тарбия формасини намойиш этишиди. Учрашув катнашчилари Ж. Ф. Йўлдошевга ўзларини кизиктирган саволлар билан мурожаат этишиди. Республикада ёш техниклар учун алоҳида техник журнал чиқариши, кўп болали оила фарзандларининг пулли тўғаралларга катнашиши қандай бўлиши керак, каби саволларга Жўра Ганиевич тўла жавоб бердилар. Вазирлар ходимлари ва болалар бу гунгидай ўғилишни тез-тез ўтказиб туриш керак, деган қарорга келдилар.

Д. Турахметова ёзиг олди.

Таҳририятдан: ушбу учрашув мазмунини тўлалигича баён этишдан асосий мақсад — таълим соҳасидаги бугунги яна бир катта ютуқни сизга таъкидлаб ўтиш эди. Бу ютуқ — мутасаддиларнинг болалар дилидагини эшишишга майиллик билдиришгани, уларнинг фикрлари билан қизиқишганидир. Ушбу дил сўзлари, фикрлар мактаб ва ўқитиш соҳасидаги баъзи камчиликларнинг тузатилишига, унинг янада тараққий этишига имкон яратади.

Қадрли болалар! Агар сиз ушбу учрашувда шитирок этганингизда Вазирга қандай саволлар билан мурожаат қилган бўлар эдингиз? Шулар ҳақида бизга ёзиг юборинг.

Мактубларингизни кутамиз.



Суратда: учрашув чоғида.

Р.АЛЬБЕКОВ суратга туширган.



Бу томоша санъаткор болалар учун кутилмаган совға бўлди. Улар таникли ёстрода юлдузлари, машҳур ҳажв усталари ва раққосалар билан бир саҳнада томошабинлар кўнглини хушнуд этишиди: куйлашди, рақсга тушиши, асқия қилишиди.

Бу қандай томоша, дейсизми? Зўр томоша! 15 сентябрь куни болалар ўз ота-оналари билан биргаликда пойтахтимиздаги ҳашаматли “Наврўз” ресторанида, безатилган кечки нонушта дастурхони атрофида, “ТУРКИСТОН БОЛАЛАРИ”

Обид АСОМОВ,
“ЯЛЛА”, “НАВО”, “ОСМОН”
ансамбллари ва бошқалар иштирок этдилар.

Концерт давомида ишбилиармон кишилар, турли корхона ва фирма раҳбарлари санъаткор болаларни қутлаб, ўзларининг видеомагнитофон, қимматбаҳо ўйинчоқлар, кийим-кечаклар сингари эсдалик совғаларини топширишиди. “Тонг

айниқса, болалар сизни “Наврўз” айёмида ўтказилган “Варрак сайли”дан яхши билишади: Чунки ўшанда сиз унга ҳомийлик қилган эдингиз. Мана бутун яна бир болалар томошасининг ҳомийси бўлиб турибиз. Бунинг бонси нимада?

Болаларга бўлган муҳаббатим. Уларга қувонч бағишлидан ҳам ортиқ баҳт борми ўзи бу дунёда?.. Ахир ҳаммамиз ҳам шулар учун яшяяпмиз-ку...

— Сиз бошчилик қилаётган фирма асосан нималар билан



КУЙЛАНГ, РАҚСГА ТУШИНГ, ТУРКИСТОН БОЛАЛАРИ !

катта концертидан баҳраманд бўлишиди.

Ўзбекистон санъатининг бўлажак юлдузлари бўлмиш ажойиб қобилият эгалари бўлган болаларга жамоатчилик ва ишбилиармон кишилар дикқатини тортиш — ушбу кеча ўтказилишининг асосий мақсади бўлди.

Унда бўлажак юлдузлар:
Достон УБАЙДУЛЛАЕВ,
Абдулла ҚУРБОНОВ,
Ирода ЙЎЛДОШЕВА,
Шерзод БОЙМУРОДОВ,
Фирдавс НУРИДИНОВ,
Сайёра ТЎЛАГАНОВА,
Муниса ФУЛОМОВА,
“ТОМОША” болалар театр студияси,
“ОРОМ” ансамбли

Шунингдек, бугунги куннинг юлдузлари бўлмиш санъаткорларимиз — Юлдуз УСМОНОВА,
Насиба АБДУЛЛАЕВА,
Мухридин ХОЛИКОВ,
Нуриддин ҲАЙДАРОВ,
Малика АҲМЕДОВА,
Кумуш РАЗЗОҚОВА,

юлдузи“ газетаси муҳарририяти эса концерт дастурида иштирок этган барча санъаткор болаларни 1993 йил учун “Тонг юлдузи“га бепул обуна қилди. Ҳамда уларни ўз қаҳрамонлари деб эълон қилиб, улар ҳақида қизиқарли мақолалар, сұхбатлар бериб боришига қарор қилди.

Барча қатнашчилар “Туркистон болалари“ кечасининг ташкилотчилари — Республика Болалар Жамғармаси қошидаги “НАРГИС“ фирмаси мутасаддилари ва Ўзбекистон телерадио-компаниясининг “БОЛАЛАР“ программаси жонкуярларига ўз миннатдорчиликларини билдиришиди.

Томоша давомида биз “Туркистон болалари“ кечасининг ҳомийси “Наргис“ фирмасининг директори Алишер ака МУСАЕВга бир неча савол билан мурожаат қилдик.

— Алишер ака, кўпчилик,

шукулланади?

— Биз аҳолига турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ҳалқ истеъмоли моллари етказиб бериш, хорижий мамлакатлар билан савдо-сотиқ қилиш ишлари билан машгулмиз.

— Ушбу томоша учун “Наргис“ фирмаси қанча маблаг сарфлади?

— Фирмамиз бу ажойиб кечачун 360 минг сўм ажратган.

— Алишер ака, агар сиздан яна бир болалар тадбирига ҳомийлик қилишингизни сўраб қолишса, нима дердингиз?

— Бизнинг фирмамиз бундан кейин “Болалар“ телекўрсатуви жонкуярлари билан биргаликда ишламоқчи.

— Мазмунли сұхбатингиз учун раҳмат. Фирмангиз фаолиятининг янада ривожланишига биз ҳам тилакдошмиз.

Юртимизнинг бўлажак санъат юлдузларига ҳам соғлик-саломатлик, баҳт ва омад ёр бўлсин.

СУРАТЛАРДА: томошадан лавҳалар.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.



(Давоми. Боши ўтган сонда).

Барг қаердан келди, деб Жонти унга бориб, қамшорга қаради ва бирдан паҳол капани кўриб қолди. У лиқиллаган кана бўлиб, тепасига пальма дарахти барглари сезилган эди. Жонти капани кирмоқчи бўлиб турганда, ичкарида кимнингдир оёқ товуши сезилди. У кўркқанидан жойида қотиб қолди. У жуда эҳтиёткорлик билан қамиш девор орасидан қаради.

У ўрмон ишчилари боплиги Пукан эди. У кана ичидаги ўғрилар қолдиқларини кузатар эди.

— Шундай қилиб, сиз бу ерни мендан олдин топдингизми? — деди Жонти унга. У эса газабланиб, титрай бошлади.

— Бу ерда судрали нима қилиб юрибсан, — деди Жонтига заҳрини сочиб. — Нима, сен мени ўғри демоқчимисан? Ҳархолда сен бола ўзингта эҳтиёт бўлгин. Бор, шерикларингни бу ерга бошлаб кел.

Жонти ҳовузча олдига бориб, шерикларини қақириб, уларни кана олдига бошлаб келди.

— Бу ер чукурдан узок эмас, — деди жаноб Неог капани бироз кўздан кечириб, — ичлари ҳам тузуккина. Ерга боригизуб барглари ва тупроқ сепилган. Ўртада ўт ёқилган. Ўт ўтган. — Биз ҳозир тезда ўғрилар билан шугулланувчи ташкилотга боришимиз керак, — деди Пукан.

— Шошманглар, биз бу овқат қолдиқларидан бирор нарсани аниқлашимиз керак, — деди Жонти энгашиб, ерни текшираётib.

— Биринчидан улар олти киши бўлишган.

— Қайдан билдинг? — деб қизиқиб сўради жаноб Неог.

— Ердаги кекс белгиларидан, кекс ташиётган одам доим кексни тўкиб юрган. Яна тупроқ уюмларидан билиш мумкин. Улар олти жойда бу тахмин албатта.

— Ажойиб тахмин, — деб маъқуллари жаноб Неог.

— Жонти, сизни болаларга бошлиқ қилиб тайналмай.

Шундай қилиб, эрталабки вақтимиз бекор кетмади. Биз ўғрилар олти кишидан иборат эканлигини билдик. Ҳаммаси яқин ўртадаги маҳаллий қишлоқлар. Яна шуни ҳам айтиши керакки оёқ изини қолдирган ўғри ҳам ўшалардан биридир.

— Бу далиллар бизни қониқтирмайди, — деди Пукан. — Атрофимизда қишлоқлар тўлиб ётиди. Бу ўғрилар жуда айёр. Тахминларимиз жуда оз. Олдинги далилларимиз ҳеч нарсани фош этолмайди. Жаноб Неог соатига қараб болаларга хитоб қилди.

— Соат икки бўлди, овқатларинг борми, болалар?

— Йўқ, жаноб, — деб хор билан жаноб берди болалар.

— Унда кетдик, уйга! — деб таклиф қилди жаноб Неог. — Бизникида нонушта қиласизлар, биз ҳамма кўрганларимизни яъни қовурилган балиқ, гуручли овқат ва бошқаларни муҳокама қиласиз. Бу иш сенинг ишиниң Жонти, шундайми? Пукан, сиз ҳам бизга қўшилинг.

* * *

Жаноб Неогнинг уйда овқатланиш сукутда ўтди. Неог хонимнинг тайёрларган овқати ҳаммага манзур тушди. Ҳатто, ҳар доим хафақон Пукан ҳам овқатдан сўнг, чехраси очилди.

Жаноб Неог олдинги тўрт марта каркидон ўлдирилганлигини эслади. — Олдингидек иш қилишган, шубҳасиз. Ҳар

бир қилинган ишга ўша ўғриларни ўзи жавоб беради.

— Биз ўғриларни маҳаллий қишлоқларни деяпмиз. Аммо улар ташки марказ билан алоқа боғлаган.

ХУРМАТЛИ ЎҚУВЧИЛАР!

Мана сиз ҳинд адаби А. К. Даттанинг “Казиранкадаги из” номли қиссаси билан танишип бормоқдасиз. Қисса бир мунчатаъсиричан ва воқеалар ривожи қизиқарли. Албатта, бу қисса тўлалигича газетада ёритилганда нур устига аъло нур бўларди. Лескин газета фаолиятидан келиб чиқиб, бу қиссани бироз қискартишлар билан бермоқчимиз. Ўйлаймизки, бу қисса тез кунарларда қўлинингизга китоб ҳолида етиб боради. Энди, қискартирилган воқеаларни тўлдириб ўтайдик.

Шундай қилиб, улар ўғрилар олти кишидан иборатлигини ва улар чекка жойлардан эмас, балки маҳаллий қишлоқ одамлари эканлигини топнишади. Фақатгина бир масалага ойдиллик киритиш қолади: ўша одамларни топиш ва жазога мустаҳиқ этиш. Бу ишни болаларга тоширишпайди. Болалар ўғриларнинг ортидан ту-

қўйиб, оғриқа бардош берди. Бир соатлик азобдан сўнгечилмай қолган охирги арқонни у тишлари билан бўшатиб юборди. Кейин Бубули ҳам қўл-оёқларидаги арқонни кесиб ташлади. Жонти унга ўз ўрнида қимирламай ётиши тушунтирид. Ўзи юзини девор томонга қилиб капанинг қамиш деворини пастки жойдан кесишига тушди.

Қўриқхонада таъқиб давом этарди. Ўғрилар Данайдан бехабар эди. Махханинг орқасидан кувлашарди. Пукан ва ўғри бошлигининг қафсаласи пир бўлди.

— Айёр тулки, — деди Муниа тажангланиб, — у бизни аллади. — Вақт кетмасин, — деди Пукан. — У Неогнинг уйига кетган бўлса керак! Биз у ерга ундан олдин етиб боришимиз керак. У қўриқхона ичидан ўтиб машинаси турган ерга бир зумда етиб борди. Бензини тугаған машина юрмади. Пукан канистрдан унга бензин қўйгач, улар йўлни тушдилар.

Неогнинг хотини Данайнинг кутилмагандан уйга кириб келганидан қўрқиб кетди. У шошиб ошпазни ва хизматкор болани уйтотди. Улар ҳолсиз Данайни уйига олиб кириб, кроватта ётқаздилар. Хизматкор унинг кийимининг тутгамларини ечиб, пальма дарахти баргидан ясалган елпигич билан уни елий бошлади. Ошпаз эса унинг козига сув сепиб, ҳўлланган сочиқни босди. Ярим соатлардан кейин Данай ўзига келиб тилга кириди. Неог хоним Пуканнинг ўғрилар билан алоқа қилганилигини эшишиб, қўрқинчдан ранги оқариб, танини қалтирок босди. — Эй, худо нима ишлар қилиб қўйдим, — деди у фарёд чекиб. — Болаларга ёрдам қиласман деб, уларнинг сирини бўйларнинг ўзига фош қилиб қўйибман-ку! Тезда у хоналарининг эшик, деразаларини маҳкамлади. Данайнинг қылган ишларини барбири ўғрилар сезиз қолишини у олдиндан билган эди.

Ўғрилар уйга бостириб кириб келишдан ҳам тоймайди. Қўрқинч, ташвишдан у хаддан ташқари изтироф чекди. У Данайга бир пиёла исиски сут бераркан, деворда осилтан соат роса иккенин кўрсатиб, занг берди. Эри келиб қолиши керак. Лекин ултуармикан? Ўрмончилик бўлимига тезда хабар бериб, ўғриларга қарши ёрдамга одамлар чақириб келсиними ёки эрининг келишини кутиш керакми? У икки ўт орасида қолди. Ва эрини кутишини афзал қўрди. Пукан машинани Неогнинг уйига бироз етмасдан тўхтатди. У машинани боши берк кўчага ҳайдаб, бутазор панасига яшириб қўйди. — Пиёда юриб бориш ўнгайроқ, — деди у шерикларига, — чунки машина овозидан бизнинг келганилизни улар сезиз қолиши мумкин, — агар бола уйда бўлса, биз уйга бостириб кирамиз.

Улар секин-аста уйга яқинлаша бошлади. Ўйнинг бирида чироқ ёни. Пукан уйда бола борлигига ишонч ҳосил қилди. — Тайёрланинглар, бола уйда экан. Уйга кирамизда ишимишини тутгатамиз. Улар секин-аста уйни ўраб олдилар. Кун жуда исиски бўлишига қарамай дераза, эшиклар маҳкам бекитилган. — Улар бизга ҳужум қилишга тайёрланишмоқда, — деб шиширлари Муниа.

— Тўғри уйга бостириб кирамиз, — деди Пукан. — Балурам бор, сен қўнгироқ симини узуб ташла. Балурам сим ёрочта чиқиб, қўнгироқ симини узмоқчи бўлиб турганида шериклари уни олдиларига чақирилар. Чунки бегона машина овози эшитилди. Машина қаттиқ шовқин солиб келарди. Пукан биринчи марта Муниа юзида қўрқинч сезди. — Қоидик! — деди Муниа. — Бу Неог, қайтган, тезда кетишимиш керак.

— Аммо унинг ҳайдовчиси бор, холос. Ҳам у қуролсиз, биз ҳужум қилсак бўлади, — деди Пукан.

Неог шундай шуҳратли одам эдики, ҳатто вахши ўғрилар ҳам ундан чўчириди... — Йўқ, — деди Муниа. — Тезда кетдик! Пукан Муниани кийимидан тортиб тўхтатди. Муниани ранги оқарган эди. — Биз уларни яксон қиласизлар, биз ҳамма қиласизлар. — Муниа айтса, менинг ўлтаним шу, — деди Пукан газабланиб. Ёки мен ўзимни ўлдираман. Ўғри бошлиги Пуканни итариб ташлади ва улар секингина пана жойта қараб қочдилар. Пукан ўзини ночор сезди. Сўнг улар орқасидан эргашиб кетди. Улар узодан Неогнинг машинаси билан уйига киришини кутиб турдилар.

(Давоми келгуси сонда).

Ўқитувчиларингиз ижодидан



ПАРВОЗА
ҲАВАС

Қоғоздан қирқиб
Варрак тузатдим.
Оқ йўл, деб уни
Кўкка кузатдим.
Қараб қолибман,
Келиб ҳавасим.
Унутаётганд
Эканман дарсим.
— Мени кўзласанг,
Сас берди варрак,
— Вақт күшига дўст
Бўлгин, ёш юрак!

КУШЛАРТИЛИ


Илк саҳардан, ҳей, қушлар,
Деразамни қоқасиз.
Турли оҳангда сайраб,
Дилга жуда ёқасиз.
Сизга қанот бағишлар
Осмонингиз, ерингиз.
Она тилида сўлаб
Эркиндин ҳар бирингиз.
Чуғурлайсан, қалдирғоч,
Сен қумри, ку-кулайсан,
Чаҳ-чаз этиб, булбулжон,
Эҳ, неларни куйлайсан!
Тилингиз айрим-айрим,
Бу табиат инъоми.
Сизнинг-да тилингизнинг
Бор ўзноми, мақоми.
Мақсадингиз борлиқнинг
Файзига файз қўшмоқлик.
Парвоз қилиб, ҳаётнинг
Давонларин кучмоқлик.

Разоқ ИБРОҲИМ,
Хоразм вилояти, Ҳазорасп тумани,
Узбек номидаги мактаб ўқитувчisi.

Беҳзоджон! 9 ёшга қадам
қўйганинг билан табриклиймиз. Узок
умр кўр. Бу умр давомида сенга доимо
соглик, омад, баҳт ёр бўлсин!

Самимий қутлов билан бувинг,
даданг, холанг, тогаларинг.

Тошкент шаҳри, Юнусобод —
17-мавзеси, 33-йи, 97-хонадон.



ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Газетанинг нафбатдаги сони 29 сен-
тябр куни чиқади.

Маълумот учун телефон: 32-54-21



Бош мухаррир: Акром БЕРДИМУРОДОВ.

Таҳрир ҳайъати:

Т. КАРИМОВ, А. КЎЧИМОВ, М. ПИРМАТОВ
(масъул хотиб), М. РАҲИМБЕРДИЕВА,
Д. ТУРАХМЕТОВА, В. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

Таъсис этувчи:

УЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИТИФОҚИ

МАРКАЗИЙ ҚўМИТИСА

Бизнинг манзилгоҳимиз:
ТОШКЕНТ ШАҲРИ, 700083,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Газета ҳафтанинг жума кунлари чиқади.

Газета 1929 йил, 1 августан "Ленин учқуни" номи билан чиқа бошлаган.

Газета 319102 нусхада чоп этилди.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10